



ЖАМИЯТ

№ 43 (720)
2020 йил
30 октябрь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

“Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилиш ва севишдан иборатдир”.

Алишер Навоий




“Ватанга қасамёд” — эр йигит орзуси

Автосалон “ёлғони



Бухорода “Обод маҳалла” дастурига ким масъул?



**ёхуд 2 йилдан буён қуриб
битказилмаётган шифохона ҳақида**



**ҚИСКА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИҢ!**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь кун Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтадиган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этади.

Буюк ипак йўли кўчаси “Россияда” ми?



“Пенсия” келган кун

Ахлоқсизлик пойгалари



Тилга ҳурмат байрамгачами?

Шерали Мўминов. Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртининг "Мотоўқи-чегарачи тактик кўмондонлиги" мутахассислигини 2007 йилда тамомлаган. Шундан сўнг Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги қатор ҳарбий қисмларда Ватан олдидаги офицерлик бурчини чин дилдан адо этиб келган.



— Ҳаёт турли тасодифлар, қийинчилиги синновларга тўла эканини кўп эшитардим, аммо бошимга тушганда бунга амин бўлдим, — дейди Ш.Мўминов. — Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида боримни бериб хизмат бурчимни адо этаётганимда бошимга тушган савдодан ҳалигача ўзимни кечиролмайман. Бунга қисман бўлса-да, айбдорман. Аммо бу хато ҳаётимни алғов-далғов қилиб юборадиган даражада эмасди, назаримда.

Гап шундаки, Ш.Мўминов

хизмат бурчини Каттакўрғон округ полигони дала ўқув машғулотида тайёргарлик кўришда бажарётган лавозими ва унвонига кўра мансбдор шахс бўлган. Яъни батальон командирининг биринчи ўринбосари — штаб бошлиги, майор.

Самарқанд ҳарбий суди прокурорининг айблов хулосасига кўра, Ш.Мўминов кўл остида хизмат бурчини ўтаётган олдий аскар Ақромжон Ҳасановни ёнига чақиртириб, шу кунни эрталаб ўтказилган саф кўриги вақтида унга қўпол муносабатда бўлганини ваз қилиб, уни ножоиз сўзлар билан ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлагани сабаб жанжаллашиб қолишган.

Ҳақоратларга чидай олмаган аскар бўйсунувчи хизматчи сифатида бошлиқларга нисбатан

ўзини муносиб тутишни ёддан чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Ички хизмат Низомини, яъни "...ҳарбий хизматчилар командир (бошлиқ)ларга сўзсиз бўйсунуши, аскарий биродарликни эъозлаш, ҳар бирининг ор-номусини ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзига ва бошқа ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўполлик, таҳқирлашларга йўл қўйма-ликка, но-лойиқ қил-мишлардан тийиб ту-ришга маж-бурлиги..." ҳақидаги талабларни кўпол равишда бузган. Бошлиги майор Ш.Мўминов билан муштлашиб кетган. Худди шундай тартибни, яъни "...бошлиқ бўйсунувчи учун хушмуомалалик ва босиқлик намунаси бўлиши ҳамда тақаллуфсизликка ҳам, ноҳилисликка ҳам йўл қўй-маслиги лозим, бўйсунувчининг

қадр-қимматини поймол этувчи ҳаракатлари учун бошлиқ жа-вобгар бўлади..." каби талабларни бузиб, хизмат ваколати дои-расидан четга чиқиб кетган.

Мазкур ҳаракатлари билан А.Ҳасанов Жиноят Кодексининг 238 моддаси 1-қисми, Ш.Мўминов 301 моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликлари айбдор деб топилган.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг очик суд мажлисида Ш.Мўминов ва ад-во к а т и н и н г кассация шикоятига асосан бу иш кассация тартибида яна кўриб чиқилди. Унинг нати-жаси ҳам Мўминов учун қо-ниқарли бўлмади. Яъни Са-марқанд ҳарбий судининг 2017 йил 24 октябрдаги Ш.Мўми-нов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган ҳукмнинг Мўми-

Самарқанд ҳарбий судининг 2017 йил 24 октябрдаги Ш.Мўминов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган ҳукмнинг Мўминовга оид қисми ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантиришсиз қолдирилсин, деган ажрим чиқарилди.

кассация тартибида яна кўриб чиқилди. Унинг нати-жаси ҳам Мўминов учун қо-ниқарли бўлмади. Яъни Са-марқанд ҳарбий судининг 2017 йил 24 октябрдаги Ш.Мўми-нов ва бошқаларга нисбатан чиқарилган ҳукмнинг Мўми-

"писмадоним" каби олқишлар билан таҳририятда газета ва журналлар тўлирилган, радио ва телевидениеда эса ҳар хил кўрсатувлар тайёрланган бўлади. Кейин эса яна ўша кургур жимлик.

Бу каби мисолларни жуда кўп айтиш ва ёзиш мумкин. Деярли, ҳам-ма пайт б и з д а шундай. Б а й р а м бўладиган к у н и м и з гўзал бўлиши керак. Баъзан ўйлаб қоламан, ҳар кунимизни байрам қилсак-чи, кўп муаммоларимиз кўзга ташланиб, ўз ечимини топиб олармиди...

Баъзан ўйлаб қоламан, ҳар кунимизни байрам қилсак-чи, кўп муаммоларимиз кўзга ташланиб, ўз ечимини топиб олармиди...

Кеча яхши янгиликлар эшитдим. Энди масъул лавозимга тайинланадиган шахслардан ўзбек тилини билиши тўғрисида сертификат талаб этилади. Яна бир янгилик уч ой ичида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтиш чора-тадбирлари амалга оширилган экан. Бу жуда ҳам яхши. Шундангина тил билан боғлиқ муаммоларга нуқта қўйилармиди?..

Ҳозир биз яшаб турган жамиятда тил билан боғлиқ муаммолар буткул ечимини топмаган. Олдий ёзувни мисол қилиб олайлик. Мана, неча

йиллар бўлдики, лотин графикасидан фойдаланиб келя-пмиз ва қонулар билан ҳо-шиялаб, "Лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси", деб номлагандик. Аммо, ҳа-нузгача бу ёзувдан тўлиқ фойдалана олмадик.

Негаки, катта ав-лод вакиллари кирилл графикаси асосида тузилган ўзбек ёзуви-га ўрганган ва ундан воз кечол-ма а п т и . Бу мавзу-да ижтимоий тармоқларда қанча тортишув-лар бўлиб ўтиди. Биринчи кириллга қайтиш керак, ҳар тарафлама қулай", деса, бири "йўқ, лотин ёзувида қоламан", деб, куюниб гапиришди. Баъзи кириллада ёз, мен лотинча-ни тушунмайман, биз мактабда кирилчани ўрганганмиз", дей-ди.

Ҳайрон қоласан, киши. Биз ҳам кирилл алифбосини эмас, лотин алифбосини ўрганганмиз, лекин кирилл алифбосини ҳам ўқи-япмиз-ку. Биз мактабда рус тили дарсида шу ёзувни ўрганганимиз сабабли ўзбекча моделни ҳам ўрганиб ол-ганмиз. Мактабларда инглиз, француз ёки немис тили ўр-гатишган-ку, наҳотки, шулар орқали ҳам ҳарф танимасан-

новга оид қисми ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қано-атлантиришсиз қолдирилсин, деган ажрим чиқарилди.

Мўминов бугун қилмиши-дан жуда пушаймон. Шу билан бирга шунча вақтдан буён иш-сиз. Ва яна бир бор имкон бе-рилишини, ишга қайта тикла-нишини хоҳлайди.

— Шу юрт, унинг тинч-лиги йўлида бутун умр фидойи бўлиб хизмат қилишга қасамёд қилганим, — дейди у. — Ҳа-ётимни ҳарбий хизматсиз та-саввур эта олмайман. Борлиқ чарпалаги ортга айланиб, танлашимга тўғри келса, яна шу касбни танлардим. Ҳозир ҳаётда энг керакли нарсасини йўқотган, шу билан бирга ҳеч кимга кераксиз одамдай ҳис этияпман ўзимни.

Умид қиламизки, масъул идоралар раҳбарлари собиқ офицер Шерали Мўминов-нинг илтимосини яна бир бор кўриб чиқишди ва унинг учун мақбул йўлни кўрсатишди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
"Жамият" мухбири

Муҳокама

" — Байрам яқинлашмоқда. Тезроқ ҳаракат қилишимиз керак... Ҳой, сен "Давлат тилининг миллатимизда тутган беқиёс ўрни" мавзусида мақола тайёрла. Сен эса она тилимизни олқиш-лаб, яхши бир видео-ролик тайёрла. Сен-чи, шоир бола, юракларни гүмбурлатадиган зўр бир шеър ёз. Фақат тезлаштиринглар вақтимиз зиқ".

Тилга ҳурмат байрамгачами?

Ҳар йили октябрнинг йи-гирма биринчи санасида ўз ти-лимизнинг давлат тили сифа-тида бемалол истеъмол қилиш ҳуқуқига эга бўлганимиз шара-фига ўзбек тилига давлат мақо-ми берилган кун, дея гурурла-ниб нишонлаймиз.

Тўғри, байрам ҳар йилгидан ҳам ўзгача ва бетакрор ўтиши керак. Унга атаб нималардир ўйлаб топиш керак. Тилимиз ҳақида қайғуриш бурчимиз. Аммо, фақат байрам арафаси-да ёки байрам кунларидагина эмас, ҳамма пайт ўйлашимиз керак. Нега энди байрам бўл-маган кунлари унга атаб шеър ёзмаймиз? Нега энди бошқа кунлари тил ҳақида мақола тай-ёрлашга шошилмаймиз? Нега энди бошқа пайтда тилимизни олқишлаш мақсадида зўр виде-о-роликлар қилмаймиз?

Байрамга оз қолганда, оёғи куйган товуқдай ўзни кўйрга жой тополмай қоламиз, "ҳей, уни қил, буни қил"... Белгилан-ган кун ўтгандан сўнг эса ҳам-маёқ жимжитлик. Кеча "мен тилимни севаман", деб қўшиқ айтиб чиққан кимса эртаси кунни ҳол-аҳвол сўрасангиз, тилни бузиб ёки ёт сўзлар қо-ришмасини юзингизга сувай-ди. Шундай одамларга тушун-май қоламан. Бу ҳолатни кўп кўрганим учун ёқамни ушлай-вериб, ёқам қолмади.

Бизга олат бўлиб қолгани фақат тил эмас, бошқа бай-рамларда ҳам шундай. Маса-лан, ўқитувчи ва мураббийлар кунини олайлик. Биров бошқа пайт ўқитувчи ҳақида "финг" деб, овоз чиқармайди. Байрам арафаси ва кунда "менинг би-ринчи устозим", "фалоним",

"Сифатли дори-дармонлар қўллашни рағбатлантириш плюс" дастури доирасида АҚШ Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилади.



Достонбек БАХТИЁРЗОДА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Бухорода “Обод маҳалла” дастурига ким масъул?

ёхуд 2 йилдан буён қуриб битказилмаётган шифохона ҳақида

Йил якунига икки ой вақт қолди, лекин Бухорода 2 йил олдин қуриб битказилиши керак бўлган шифо маскани қурилиши ҳалигача тугамади...

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг расмий сайтида жорий йилнинг 5 август куни “Бухорода 30 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган шифо маскани қурилиши нега оқсатмоқда” сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.

Мазкур мақола юзасидан Когон шаҳар ҳокими Ҳаким Ҳошимов имзоси билан жорий йилнинг 7 август куни 1/3961 рақамли жавоб хати олинди. Унда қўйидагиларни маълум қилган:

Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадлари тўғрисида”ги ПҚ-3812-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилги “Обод маҳалла” дастури асосида Когон шаҳар “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника биносини янгидан қуриш режалаштирилган эди.

Мазкур объектга бош пудратчи этиб “Ғиждувон Зарангари қурилиш” ИТҚТ масъулияти чекланган жамияти белгиланган. Объектнинг баҳоси 5966,0 миллион сўмни ташкил этиб, объектда 2020 йил 1 август ҳолатида 5270,0 миллион сўм қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 1700,0 миллион сўмга молиялаштирилган.

Ушбу объект 2019 йилда фойдаланишга топширилмаганлигининг сабаби маҳаллий бюджетда маблағнинг танқислиги туфайли объект йилдан йилга ўтказилди.



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Жамият — ислохотлар ташаббускори” Давлат ижтимоий буюртмаси асосида тайёрланди.



Ҳозирги кунда объектнинг бош пудратчиси “Ғиждувон Зарангари қурилиш” ИТҚТ масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Объектда ҳозирги кунга қадар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари молиялаштирилганидан сўнг жорий йил якуни билан объект тўлиқ фойдаланишга топширилади.”

Мазкур расмий жавобдан сўнг нималар ўзгарди? Бугунги кунда мазкур шифо масканининг қурилиши қай аҳволда? Йил якунига ҳам икки ой вақт қолди, мутасаддилар қанчалик ўз ваъдаларини бажармоқда?

Биз шу каби саволларга ойдинлик киритиш учун Когон шаҳрида бўлдик. Минг афсуски, замонавий шифо маскани қурилиши ҳалигача ўша аҳволда. Маблағ ажратилмагани учун қурилиш тўхтаб қолган.

Бугунги пандемия даврида бундай тиббиёт муассасасига эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Аммо эътиборсизлик, айрим раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ортидан бирламчи қурилиб битказилиши зарур бўлган муассасанинг қурилиши якунланиши нима учундир ортга сурилмоқда.

“Ғиждувон Зарангари қурилиш” ИТҚТ корхонаси томонидан

нидан 2019 йилнинг охирида топширилиши керак бўлган мазкур объект бир йил вақт ўтибди ҳамки ҳалигача 80 фоиз қурилиш ишларининг бажарилгани билан тўхтаб қолган. Ҳисоб рақамига мазкур объект буюртмачиси томонидан жами бўлиб 1 миллиард 850 миллион 450 минг сўм маблағ келиб тушган бўлсада 80 фоиз ишни бажариб қўйган. Қолган маблағдан эса дарак йўқ.

Мазкур объект Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги “Обод маҳалла” Давлат дастурининг асосий параметрла-

берадимиз?

— Айни кунда шаҳарнинг Махтумқули, Навзиробод, Зирабод, Хўжабарги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 11 минг 800 нафар аҳолига хизмат қиламиз, — дейди Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасига қарашли “Зирабод” шаҳар врачлик пункти раҳбари вазифасини бажарувчи Нилуфар Ражабова.

— Мана қуриб турганингиздек поликлиника филиали 1918 йилда қурилган. Олдин умумтаълим мактаби бўлган. 1987 йилдан буён поликлиника фаолиятини олиб бормоқда.

Айни кунда хоналар етишмайди. Касаллар билан соғлом инсонларни бирга қўришга мажбурмиз. Бу ерда тох доирадаги мутахассислар халққа хизмат қилмоқда. Асосан умумий амалиёт шифокорлари би-

лан бирга гинеколог, стоматолог ва лаборантлар аҳолини қабул қилади.

Уйма-уй юриб аҳолини қўриқдан ўтказди, патронаж хизмат қилади. Чақируларда пиёда юрилади. Иссиқ сув йўқ, ёзда баъзида совуқ сув ҳам бўлмайди. Умуман олганда биномиз талабга жавоб бермайди. Филиалимиз тоmidан бəҳор ва куз ойларида ёғадиган ёмғир ичкарига чакки бўлиб оқди. Агар янги поликлиника фойдаланишга топширилса, барча муаммоларимиз ҳал бўларди.

— 17 йилдан буён мазкур шифо масканида ишлаб келяпман, — дейди Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасига қарашли “Зирабод” шаҳар врачлик пункти стоматологи Хайрулло Амонов.

— Шароит умуман йўқ. Бир кунда 100 нафар болалар эмлаиши учун мана шу даргоҳга ташриф буюради. Улар билан ота-оналари ҳам келади. Лекин санитария ҳолати афғор ҳолатга келган поликлиника талабга жавоб бермайди. “Туркистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника биносини янгидан қурилиши эшитиб жуда ҳам хурсанд бўлган эдик.

Кейинчалик замонавий

шифо маскани қад ростлаганидан мамнун бўлиб тургандик. Афсуски, мана бир йилдирки, қурилиш ишлари тўхтаб қолган. Пандемия шароитида янги бино аҳоли учун жуда зарур. Қурилиш ишларини тезлаштириб фойдаланишга топширилмаса қиш кунларида аҳоли яна сарсон-саргардон бўлиб юриши турган гап.

— Темир йўл соҳасида кўп йиллар меҳнат қилдим, — дейди Махтумқули маҳалла фуқаролар йиғини Халқобод кўчаси 4-уйда яшовчи, пенсионер Ҳалима Камолова. — Шунча йиллар давомида Когон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасига қарашли “Зирабод” шаҳар врачлик пунктига оилавий қатнаб келдик. Афсуски, шароит умуман йўқ. Антисанитария ҳолатига келиб қолган мазкур шифо маскани бугунги кунда талабга жавоб бермайди. Янги қуриляётган поликлиника салкам икки йилдан буён фойдаланишга топширилма-япти.

Жуда ҳам хоҳлардик мана шу оғир кунларда янги поликлиникани ишга тушишини. Қировли қиш кунлари яқинлашмоқда. Аҳолимизнинг аксарияти мана шу қиш кунларида янги поликлиникада, замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган тиббиёт асбоб-ускуналаридан тўлиқ фойдаланишни хоҳлайди. Оғиримиз енгил бўлади. Шаҳарнинг нариги бурчагига бормаймиз. Мутасаддилар янги замонавий қурилган шифо масканини тезроқ фойдаланишга топширишларини сўрайман.

Дарҳақиқат, пандемия даврида “Зирабод” шаҳар врачлик пунктида яратилган шароитни қўриб инсон кўнгли беҳузур бўлади. Наҳотки, шаҳарда шундай шифо масканлари мавжуд бўлса. Ким кафолат бера олади у ердаги яратилган “шарт-шароит” орқали ҳар хил касалликларнинг келиб чиқмаслигига.

Биз “Обод маҳалла” дастури ижрочилари, вилоят ҳокими ва бошқа мутасаддилар бу масалага эътибор қаратишини, аҳоли учун оилавий поликлиникани фойдаланишга топширилишига умид қиламиз.

**Зариф КОМИЛОВ,
Тоҳир ИСТАТОВ (сурат),
Ў.А.**

Янгийўл туманида 36 гектар ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этилади.

Хар ойнинг ўртасида “Сусамбил” маҳалла фуқаролар йиғини уйи атрофида бир хил “манзара”. Одатда бу кўча гавжум бўлавермайди. Унда-бунда болалар овози ёки енгил автомашиналарнинг шовқинини айтмаса, қолган ҳолларда тинч. Шу сокинликни бузадиган воқеани кўриб келай, деб йўлга тушдим.

“Пенсия” келган кун

Тонги беш-олтилардан қариялар маҳалла фуқаролар йиғини уйи атрофида тўпланишни бошлади. Бу томондан қўлида ҳасса билан Парпи тоға ўйчан қиёфада келяпти. Нариги томондан паспортини ҳовучлаб, шошилиб келаётган Қўлпаниса буви. Яна турли ёшдаги (нафақа ёшига етган ёки ногиронлиги сабаб нафақа оладиган) маҳалладошлар тўпланяпти. Кимдир ниқоб таққан, кимдир тақмаган, бошқаси бўйнига таққан, қўлига билгузук қилганлари ҳам бор. Масофа сақлаш қоидалари “хижолат”да қолган.

Маҳалла фуқаролар йиғини уйда ҳали иш вақти бошланмаган, эшиклари берк. Атрофида ҳеч қандай ўтиришга махсус жойлар йўқ, ҳамма тик оёқда. Юзларига ажин тушиб, сочлари оқарган Клара ҳоланинг қўлида оқ қоғоз ва ручка. Ўзининг ва жамики қўшниларининг фамилияларини ёза кетди. Рўйхатда 119 та исм-шариф ёзилган, қаторига ёзаётган бу русийзабон аёл жуда норози оҳангда ёнидагиларга гапиряпти. Бошқалар ҳам унга “списка” кеча кечаси ёзиб ташлаб кетилганлигини, кутишдан бошқа чора йўқлигини уқтиришяпти.

— Хар пенсия оладиган кунимиз шу аҳвол, болам. Баъзи чаққон қўшниларики бор, кечкурун келиб рўйхатни олиб кетишди. Ўзи тонг саҳарлаб чиқишимиз етмаганидай ярим тунда келиб ёздириб кетишимиз қолувди. Бири келиб ёзса, бошқаси келиб йиртиб кетади. Навбатимизни кутиб сарғаймиз. Кўз-қўзга тушадиган маҳалладошлар жанжал ҳам қилиб оламиз. Хуллас, хар ойнинг шу кунини нафақамни олишга зорилаб чиқаман, — дея куюниб гапирди “Чапдан” кўчасида яшовчи Тангакул ота.

Куёш оламини илитганини бошлаган пайт тўпланганлар қаршисига оқ “Дамас” келиб тўхтади. Уловнинг ичидан карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда кийинган икки ходим тушди. Гарчи улар пенсия жамғармасида ишласалар-да, ниқоб ва махсус кийимда уларни таниб бўлмайди, аммо кўнчилик уларни овозидан танир экан. Соат тўққизда маҳалла уйи дарвозасини очди. Ёшроқ ходим стол-стулни олиб чиқиб, пул тарқатишга жой қилиб қўйди. Навбатма-навбат ҳамма нафақасини оляпти. Боя орада кўринмаган “олғир” қариялар пайдо бўлиб “мен биринчи эдим, мен ўнинчи эдим” дея навбатдагиларни туртиб, орага суқулиб

кириб баланд овозда бошда ёнғоқ чақдилар. Булар-ку бақриб ниятига етиб, пулини олди, ортларидан навбатни бузиб кетишди. Давомида “мен бу қўшним билан биргама” деб орага тикилиб оладиганлар чиқди. Яна ўртада низо келиб чиқяпти. Кимдир юрагини ушлаган, шу йўл билан навбат туришдан қутуляпти, кимдир “бетобман” дейди. Орқадан “биз қачон оламиз” деган хитоблар эшитилади. Ўзини касалга солиб, пулини санаб чиқаётган аёлга “қўринишингиздан аҳволингиз яхшига ўхшайди, нега навбатга турмадингиз?” каби савол билан юзландим.

— Ия, оламини кўряписими, қачон тугайди бу навбат?! Унчага пул етмаса нима қиламан. Шунанга шангилаб кириб-чиқмасам ололмайман пулимни. Булар ишламайди — бекорчи кун бўйи кутса бўлади, мен ишга шошялман, — деди.

— У ҳолда пластик карта очтириб олсангиз бўлмайдими?

— Э, кўргур пластиги яхши ишламас экан, кўрдим нечасида ишлатолмай юрувди, — деди аёл ва шошилиб кетди.

Вазият ҳалиям ўшандай, бир дақиқа тинчлик йўқ. “Палончиев, паспортни беринг, бу ерга қўл қўйинг, мана санаб олинг, кейингиси... Навбат эса ҳалиям ғала-ғовур шовқин. Рўйхат ҳамманинг қўлига тегаверганидан фикимланади, намлиниб кетган. Ҳеч ким бу қорозни бир марталик “перчатка” билан ушламаган. Бошим айланади, ганиб турсам ён қўшнимиз Нормат бобо ёнимга келиб сўзлай бошлади: “Қизим сен журналистсан, шуни бир “перелачанга” обчиққин. Бобомга кўп гапларни айтгим келди-ю, афсус, талабама-да!”

Ноира СУЛАЙМОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Автосалон ёлғони



Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясига Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида яшовчи фуқаро Хидиров Камил Толибаевичдан мурожаат келиб тушди.

Унга кўра, фуқаро “Беруний Авто Сервис” МЧЖ ва “Беруний Капитал банк” корхоналаридан норози бўлиб, ёзган аризасида қўйидагиларни баён қилган: “Беруний Автосалон билан 2020 йил 26 июнь кунини “Cobalt” машинасини олиш мақсадида шартнома туздик. Машинани етказиш муддати 2020 йил 30 сентябрь эди, аммо 21 сентябрда автосалондан машинамни қачон беришини сўраганимда, ходимлар 82 миллион сўм тўловим шартномадаги ҳисоб рақамига тушмагани, аксинча, бошқа ҳисоб рақамга тўлаганим сабабли яна уч ой кутишимни айтиди”.

Бу ҳолат Федерация ходимлари томонидан ўрганилганда, 29 сентябрь кунини АТБ Капиталбанк ЧБФ “Капитал 24”, “Беруний” минибанк корхонасидан тўловлар тўғри йўналтирилгани сабабли, “Беруний Авто Сервис” МЧЖга хат орқали мурожаат қилинди ва жавоб хатида “Истеъмолчи “Беруний Ав-

тосавдо Сервис” МЧЖдан автотомашинасини муддатдан олдин ҳеч қандай эътирозларсиз ўз хоҳиши билан олиб кетган”, деган ёлғон жавоб келди. Аммо касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади деганларидек, Федерация аралашганидан 2 кун ўтиб, автосалон ходимлари истеъмолчига телефон қилиб, машинани олиб кетишини айтган.

Тўғри, истеъмолчи ҳуқуқларини тикланди, машина эгасининг қўлига етказилди. Бироқ шунгача бўлган жараёнда фуқаронинг ҳаловати йўқолди, асаблари тананглашди, егани ичига тушмади. Шунинг учун айтса керак, мол аччиги — жон аччиги деб.

Ҳурматли истеъмолчилар! Агар сизда шунга ўхшаш муаммолар пайдо бўлса, ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 ишонч телефонида кўнгироқ қилинг.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот хизмати.

Ахлоқсизлик пойгалари

Бугун телефонларимизда ҳамма нарса бор. “Instagram” дейсизми, “Telegram”, “Facebook” дейсизми, ҳатто, ҳозир урфда бўлган “Tik Tok” ни ҳам топишингиз мумкин. Мен ҳам замондан ортда қолмай, деб телефонимга барчасини юклаб олганман. Зерикканимда кўнгилни кўтарувчи, тарбиявий аҳамиятга эга видеоларни томоша қиламан. Барака топгур “блогер”лар ўхшатиб роль ўйнаганини айтмайсизми, ёш бўлса ҳам бекорчиликдан кўра, қизиқишлари билан шўғулланыпти-да, деб кейинги саҳифага оламан.



Уларни бу йўлдан ҳозир тўхтатмас эканмиз, бора-бора тарбиясизликлар замонамиз урфига айланади. Ким яхшироқ, ким кўпроқ ахлоқсизлик қилишга пойгалар бошланади. Бунини бир-биридан ўрганиб, уятсиз рақсга тушаётган ёшлар исботлаяпти.

Ижтимоий тармоқларда кулги билан бачканавозликни фарқига бормай, “мухлис” йиғиш учун ўзини ҳар қўйга солиб, ахлоқсиз видеолар чиқарётган, қоматини мақтаб, қийшайиб ўйнаётган баъзи йигит-қизларни кўриб, ачиниб кетаман. Шу каби “юлдуз”чаларни мунтазам кузатиб, ижобий фикр билдирётганлар, улардек бўлишга ҳавас қиладиганлар жуда кўп. Бир-биридан ўрганиб, кузатувчилари сонини кўпайтириш учун ҳар нарса қилишади.

Кунини кеча бир видеога кўзим тушди. Бир гуруҳ “блогер” йигитлар 100\$ га ил боғлаб, йўлга ташлаган. Ўтиб қайтаётганлар ердаги “қоғоз”ни кўриб, олиш учун энгашиганида пул жойидан силжийди. Энг аввало, шу видеони олишни режалаштириб, яна бутун ом-

мага кўрсатиб, кулиши тарбиясизликнинг биринчи белги-

хонасида “challenge”га айланган “рақс”лар ҳаракатини ўрганиёт-

ган видеосини кўрганман. Ота-она болаларим мактабда ўқияпти, деб кўнгли хотиржам, фарзандлар бўлса, “like” йиғиш учун ўқитувчисининг устидан кулиб, видеолар оляпти.

Уларни бу йўлдан ҳозир тўхтатмас эканмиз, бора-бора тарбиясизликлар замонамиз урфига айланади. Ким яхшироқ, ким кўпроқ ахлоқсизлик қилишга пойгалар бошланади. Бунини бир-биридан ўрганиб, уятсиз рақсга тушаётган ёшлар исботлаяпти.

Болалар ижтимоий тармоққа қизиқса, ўқиган китобларини мактабни расм қўйин, қилган яхшиликларини видеога олсин... Шу орқали ҳам танилиб, эл назарига тушаётган журналистлар жуда кўп. Ишончим комил, бу машхурлик абадий ва ҳурмат-эътиборга бой бўлади.


Рухшона КАРИМОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

Наркологик касалликка чалинган шахсни даволаш унинг ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги олинганидан кейин амалга оширилади.



Истараси иссиқ инсон

Бир одам фаннинг қанча турини ўзлаштириши мумкин? Ҳафсала қилган инсон 2 та, боринги, 3та соҳада диплом соҳиби бўла олса керак. Лекин бир вақтнинг ўзида 7-8 соҳада мукаммал билимга эга бўлиш ҳайратланарлидир. Сиз ва бизнинг замондошимиз, бугунги кунда ҳаётнинг 90-довонини забт этган инсон, тиббиёт фанлари номзоди Абдукарим Усмонхўжаевни бир қарашда соғлиқни сақлаш соҳаси ходими деб билар эдик. Бунга у кишининг маълумоти, ўттизга яқин тиббиётга оид китоблари асос бўлиб хизмат қилади.



Домланинг “Кўнгил ҳаловати”, “Дорисиз қалб давоси”, “Соғлом руҳият кундалиги” деган китобларини ўқиганда, муаллиф психолог эмасмикин, деган фикрга бордик. Ўн беш йилга яқин Соғлиқни сақлаш музейида, шунингдек, Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш кўргазмасида директорлик қилганини ҳисобга олсак, бу зот тарихчимикан деб ўйлайсиз. У кишининг қаламига мансуб китобларидаги кенг ҳаётий тафаккур дурдоналаридан баҳраманд бўлганда файласуфга хос фикрларга ошно бўласиз. Абдукарим ака ўз фаолияти давомида “Мозийдан садо” ва “Ҳамшира” журналлари бош муҳаррири лавозимида ишлаганларини ўйласак, бу одам журналист эмасмикин, деган ҳаёлга борасиз. Асарларидаги нозик кузатмалардан таъсирланганда ёзувчига менгазинингиз турган гап.

Бугунги кунда айтиш мумкин камолотга етган фаслда Абу Али ибн Сино ишлатган терминларнинг арабча, инглизча, ўзбекча, русча ва лотинча изоҳли лугати, юртимиз заминда ўсатган шифобахш гиёҳларнинг 3 жилдлик (ҳар бири 600 бетдан иборат) этимологик замонавий қомуси устидан изланаётганлигини эшитгач, бу инсон тилшунос бўлса керак, деган фикрга келишингиз мумкин.

Хўш, Абдукарим ака бунчалик серқирра билим соҳиби бўлишига сабаб нима? Аввало,

неча асрлар муқаддам ўтган улуг боболаримиз қомусий олим бўлганликлари, бу иқтидор замондошимизга ўтганлиги бор гапга ўхшайди. Қолаверса, домланинг шу сермазмун ҳаёти унга кўп сабоқ берган десак, фикримизга қўшилмасиз. Қаранг, ҳали ўрта мактабни битирмай туриб, ўқишни кечки мактабга кўчириб, ўн тўрт ёшдаёқ Чкалов номли ҳарбий заводда сараловчи бўлиб ишлаш насиб этган. Кейинчалик тиббиёт техникумининг фельдшерлик бўлимини битириб, Қашқарларнинг олис Китоб туманидаги Ертепа ФАПда мудир бўлиб ишлаганини ўзи бўлади-ми? 1953 йилдан то 1959 йилгача Молотов номидаги тиббиёт институтида билимини оширди. Бу ердан сўнг 7 йил Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида бош врач ўринбосари, 1961-1964 йиллари Москвада Иванов номидаги вирусология институтида аспирант, сўнг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб Ўзбекистондаги эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтида лаборатория мудирлиги вазири бўлиб таъриб ортирди.

Шундай сермазмун умр давомида босиб ўтилган йўл Абдукарим акага беқиёс сабоқ бўлиши табиий, албатта. Тўқсон ёшда ҳаминша ижодга шай бўлиб юришнинг ўзи қаҳрамонлик эмасми? Домланинг бундай ўқтам юришига сабаб у кишининг қалби бегуборлиги, атрофдагиларга фақат эзгу нигоҳ билан назар ташлашида деб биламиз. Отаҳоннинг юз-кўзидаги истара, ўзлари таърифлаганидек, аура барчада ҳавас уйғотади. Бу табаррук зотнинг ижод оламидаги энг юксак хислати шуки, у киши ҳар кандай суҳбатдоши осон тушунадиган тилда фикр юритади. Бу чин маънода халққа яқинликни англатади.

Ҳамиша бардам бўлинг, Абдукарим ота!

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист

“Ватанга қасамёд” — эр йигит орзуси



Дунё бўйича коронавирус инфекцияси инсоният ҳамжамиятига жиддий хавф солмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчилар ҳам мана шундай синовли даврда халқимизнинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида тер тўймоқда.

Жумладан, жорий йил Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясига кириш имтиҳонлари карантин қоидаларига риоя этган ҳолда шафқатли ва ошқоралик тамойилларига асосланиб, юқори даражада ўтказилди. Шу кунларда эса Академиянинг биринчи босқич курсантларининг “Ватанга қасамёд” қабул қилиш тантанали маросимининг ўтказилиши, шубҳасиз, уларнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Тадбирда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофиа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестри, Академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тантанала Ўзбекистон Рес-

публикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси бошлиғи генерал-полковник Қобул Бердиев Академиянинг биринчи босқичига қабул қилинган курсантларни табриклаб, ушбу олий даргоҳ Академия мақомига эришгандан сўнг илк маротаба “Ватанга қасамёд” ўтказилаётгани курсантлар учун фخر ва ифтихор туйғуларини уйғотиши билан бир қаторда улкан масъулият ҳамда юртимизга содиқликни ҳам талаб этишини таъкидлади.

— Болалигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилар эдим, — дейди Усмон Мамаражабов. — Бугун орзуимга етишим йўлида ФВВ Академиясига ўқишга кириб, Ватанимизга,



Буюк ипак йўли кўчаси “Россияда” ми?

Мирзо Улугбек туманидаги Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган кўпқаватли уйлар тағидаги дўконларнинг пешлавҳалари гаэтиборингизни қаратмоқчиман.

“Фамилия” “Каффелито кофе”, “Орлент Леасинг”, “ЕАЕ мебел”, “Строймир”, “Домашняя выпечка”, “Фабрика”, “ВЕТ клиника аптека”, “Салон красоты”, “Мужская одежда”, “Обувь”, “Сладости”, “Свадебный салон”, “АзЗАРА”, “Бургер”, “Мужской салон”, “Вино-водка”, “Корзинка”, “Макро”.

Бу пешлавҳаларни кўриб, “Россияда юрибманми” деб ўйлайдиганлар ҳам кам



эмас. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг 20-моддасида шундай дейилган: “Лаҳзалар, эълонлар,

халқимизга муносиб фарзанд бўлиб, фуқароларимизнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш учун бор куч-гайратини аямай, хизмат қилишга қасамёд қилдим.


Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг

“Бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилиш ва севишдан иборатдир”, деган иборалари бугунги куннинг мард ўғлонларига қарата айтилганига яна бир бор амин бўламиз.

Шунингдек, Академиянинг юқори босқичларида аъло баҳо-ларга ўқиётган ва маърифат маркази бошлиғи, подполковник Савриддин Набиев томонидан ижро этилган жонажон Ватанимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар даврага шуқуқ бағишлади.

Кўтариники руҳда ўтган тал-бир якунида Академиянинг Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, подполковник Савриддин Набиев томонидан ижро этилган жонажон Ватанимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар даврага шуқуқ бағишлади.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ФВВ
Академияси ўқитувчиси,
капитан



нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин”. Афсуски бизда ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Бу пешлавҳаларни назорат қиладиган мутасаддилар йўқми?

Хонбиби ХИММАТ қизи,
журналист



2021 йил 1 мартга қадар трансформация қилиш учун 5 та ОТМ очиқ танлов асосида саралаб олинади.



Мана, куз ўз сепини ёймоқда. Бўсағада Эса киши турибди. Ҳар йили куз фаслида дарахтлар қизғиш рангга кириб, ўз барглари тўка бошлайди. Бундай манзарани қишлоқ ва шаҳарда ҳам, айна бир пайтда ҳовлингизда ва ишлаётган корхонангиз биниси атрофида ҳам учратишингиз мумкин. Табиийки, тўкилган барглари йиғиб олиш керак, бўлмаса, ҳовли-жойни ифлослантиради. Орамизда шундай кимсалар борки, барглари йиғиб белгиланган жойга олиб бориб ташламасдан ёки қўмиб юбормасдан, ўт қўйиб, атрофни тутун қилишади. Хўш, бу ҳолат қанчалик тўғри ёки нотўғри? Бу борада мутахассисларимиз нима дейишади?



ган баргларининг таркибидаги углерод оксиди, бензопирен, углеводородлар, сульфит ангидриди сингари зарарли моддалар токсинли диоксинлар ҳазонга ўт қўйилиши туфайли атроф-муҳитга тарқалади. Бу ҳолат биз нафас олиб турган, демакки, бизнинг ҳаётимизни таъминлаб турган атмосфера ҳавосини заҳарлайди. Ҳазонларнинг ёниши натижасида ҳар хил зарарли моддалар таъсирида нафақат атроф-муҳитга, балки барча тирик организмларга ҳам жиддий зарар етади.

Маълумот учун шунга айтиш лозимки, бир тонна ҳазон ёқилганда, атмосфера ҳавосига 30 кг углерод оксиди ажралиб чиқади. Бундан ташқари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи бошқа моддалар, яъни олтингургурт ангидриди, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар — диоксинлар ҳам ташланади. Ҳазондан чиқаётган тутун атмосфера таркибидаги кислород миқдорини камайтиради.

Айниқса, чала ёнган ҳазон ўзидан жуда кучли заҳарли газ чиқазади. Зарарли моддаларга тўйинган ҳаводан нафас олган кишининг нафас йўллари, қўзи ҳамда марказий асаб тизими шикастланади. Шу билан бирга, организмда ўпка саратони, бронхал астма каби хавфли касалликлар келиб чиқиши хавфи ортади. Ҳазон ёқишдан келиб чиқадиган зарарли тутун, айниқса, болалар, юрак қон томир нафас олиш йўллари ҳасталиқларига чалинган ҳамда аллергияси бор инсонларга кўпроқ салбий таъсир етади.

Экологик талабларга қатъий риоя қилиш лозим

Камол ЖУМАНИЕЗОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Хайриятки, олиб бориладиган тадбирлар натижаси йилдан-йилга ҳазон ва шох-шаббаларни ҳамда ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш ҳолатлари камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу орада амалга ошири-

лиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳам мавжуд. Бу бир неча омилларга боғлиқ масаладир.

Биринчидан, тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан ҳазон ёқишнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича чора-тадбирни амалга ошириш лозим. Дарахтлардан тўкилган ҳазонларни йиғиб мутасадди ташкилотлар қўмағида шаҳар ташқарисига тегишли жойларга ташлаш.

Иккинчидан, кесилган шох-шаббаларни қайта ишлаш натижасида турли хилдаги қурилиш материаллари ва брикетлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Учинчидан, дарахтлардан тўкилган ҳазонларни алоҳида ажратилган ҳолда йиғиб олиш натижасида улардан ўғитлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Тўртинчидан, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, экологик талабларга қатъий риоя қилиш ва туманнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарахт турларини экишга алоҳида эътибор қаратиш.

Бешинчидан, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида экологик ҳашарлар ўтказилиб, аввало, экологик тозаланиш таъминлаш, чиқиндиҳоналарни озода сақлаш, бунда айниқса, жамоатчилик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.

Олтинчидан, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, оммавий ахборот воситалари орқали улар ўртасида тушунириш ишларини олиб бориш экологик қоидабузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан, келинг азиз одамлар, куз фаслининг чиройли ва бетакрор манзарасидан баҳра олайлик. Юртимиз озода бўлиши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик. Ўшандагина ўзимизни тоза ҳаводан нафас олишимизни, озода юришимизни таъминлаган бўламиз.

Камола АХМЕДОВА
тайёрлади.

Тоза ҳаводан нафас олиш ўз қўлимизда!

Зухра ИБРАГИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати, Экология
ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш масалалари қўмитаси
раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, экологик талабларга қатъий риоя қилиш, атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарахт турларини экиш, уларни парвариш қилиш борасидаги ишларда барчамизни фаол бўлишимиз ҳамда ташаббускорлик кўрсатишимиз, бу йўналиш бўйича турли тарғибот ишларни амалга оширишимиз бутунги куннинг долзарб вазифасидир.

Дарҳақиқат, юртимизда куз фасли келиши билан ҳазон мавсуми бошланади. Яъни сарғайган дарахт барглари ерга гилам қатори тўкилади. Айрим атроф-муҳит, кишилар саломатлигига бефарқ кимсалар хонадон, маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида ҳазонларни тўплаб ёқиб юборишади.

Бу ҳолат нафақат табиатга, ҳавонинг мусоффолигига, қолаверса, коронавирус пандемияси шароитида атмосферанинг турли моддалар билан ифлосланиши, ушбу касаллик билан касалланганлар, тузалиб чиққанлар учун Эса ниҳоятда зарарлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасида ҳазон ёқиб, атмосфера ҳавосини зарарлаган кимсаларга қарши жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни, унга кўра: “Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, ҳазон ва шох-шаббаларни ёқиб ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳаво-

сини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга Эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”, дея алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари ёнган солир бўлиши оқибатларидан келиб чиқиб жиноий жавобгарлик ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар, маҳалла фаоллари соғлом экологик вазиятни сақлаш ишларидан четда қолмаслиги лозим. Экологик қоидаларни бузган шахсларнинг аниқланишида маҳалла фаолларининг роли жуда ҳам муҳим.

Маҳаллада ҳазон ёққан жаримага тортилади

Шерали НОМОЗОВ,
“Гулзор” маҳалла
фуқаролари йиғини раиси:

— Кузда аҳоли ўз тураржойларини тўкилган барглardan тозалашга ҳаракат қилишади. Ёши улугларнинг айтишича, авваллари ҳар бир ўзбек хонадонни ҳовлисига чуқур хандақлар бўлган. Дарахтларнинг тўкилган барглари ва бошқа чиқиндилар шу ерда чиритилиб, кейинги йили томорқаларга минерал ўғит сифатида солиб фойдаланилган экан. Ҳозир бундай хандақлар йўқ. Бутунги замонавий кишилар бунга ҳоҳлашмайди.

Ҳазонни йиғиб, ўт қўйиб юборишга биз қаршимиз! Маҳалламиз фаоллари билан аҳоли барглари ёқиб юборишларига йўл қўймаймиз. Агар

бирор уйда бу ҳолатни кўрсак, ўша хонадон эгаларини жаримага тортамыз. Ахир, ўз манфаатини ўйлаб қилинган бу иш атроф-муҳитни зарарлаб-

Маҳалламизда ерга тўкилган барглари ҳафтанинг маълум кунларида ҳашар орқали бир жойга тўплаб, Махсустрас машинасида махсус жойларга чиқариб ташлашни йўлга қўйганмиз. Бундан ҳам кўчаларимиз тоза, ҳам аҳолимиз соғлом бўлади.

гина қолмай, айрим жойларда турли кўринишдаги ёнганлар, фуқароларнинг куйиш ва тан жароҳати олиши, неча минглаб одамларнинг соғлигига таъсир қилиши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, маҳалламизда ерга тўкилган барглари ҳафтанинг маълум кунларида ҳашар орқали бир жойга тўплаб, Махсустрас машинасида махсус жойларга чиқариб ташлашни йўлга қўйганмиз. Бундан ҳам кўчаларимиз тоза, ҳам аҳолимиз соғлом бўлади.

Хўш, ҳазондан чиққан тутун киши саломатлигига қандай зарар етказиши? Бу ҳақда шифокор-терапевт Шаҳноза Яхёева ўз фикрларини билдирди:

— Кунларнинг бирида азиз фарзандимиз тўсатдан йўталиб қолса ёки бўлмаса кекса онамиз ё отамизнинг нафас олиши қийинлашиб қолса, уларнинг аҳоли ҳақида қайғуриб, қанчадан-қанча азоб чекамиз, дори-дармонга маблағ сарфлаймиз. Бироқ бунга ўзимиз билиб-билмай ёққан ҳазон тутунни сабаб бўлган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Ахир, сарғайиб тўкил-

Энди эпидемияларга қарши курашиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ишлар ички ишлар органлари томонидан ҳам кўриб чиқирилиши мумкин.



Ишдан қайтсам хотиним гап топиб қўйибди: ёнимиздаги ҳовлига янги қўшнилари кўчиб келаётган эмиш. Яна қаердан, денг. Нақ Амриқодан.



нинг хотини инглиз тилини билмас экан, деб кулишмасин, дейман-да. Бўлмаса, сизга текканимдан бери телевизорнинг программасидан бошқа нарса ўқитганим йўғ-а.

— Бўладиганидан гаплашайлик. Уй-пуй, ҳовли-повли, кўча-қўйни су-пуриб-сидириб уборка қип қўйинглари.

— Бўпти, бўпти. Барибир кўнглим гаш-да. Уларку хўпу хўп биз билан дарров гаплашгани вақтлари бўлмас. Лекин уларни кўчириб келаётган ўзимизникилар қўшнилариным бир проверка қип қўйайлик, деб қолишса-чи? “Катта маҳитнинг ҳовузи”ни инглизчасига нима дейди, деб қолишса, қандай жавоб бераман? Бўтақорада шולי кўп эклади, “гуруч”ни инглизчасига нима дейилади деса-чи? Ўлай агар, ҳеч нарса билмайман. Ўзимиз сизга текканимдан кейин жуда отсталый бўп кетдим-да.

— Бўлди энди. Ўзи илгари ҳам оғзинг қани, деса қўлоғингни кўрсатардинг. Хотинларнинг миш-мишидир-да, бизнинг қишлоқда амриқоликка нима бор, деб ўйлагандим. Йўқ, хотинимнинг гапи чиппа-чин бўлиб чиқди.

Эртасига тушликни уйда қилақолай деб келсам, дарвозамиз олдида юзлари ҳам, сочлари ҳам сап-сарик, бошига дўппи кўндирган болакай ўғлим билан копток ўйнапти. Узун лозим, атлас кўйлак кийган, малла сочлари рўмоли четидан кўриниб турган аёл қўшни дарвоза олдини супураб, ўзига қўйиб қўйгандай ўхшаш ўзбекча кийинган қизчаси елим челака водопроводдан сув олиб сепайтган экан.

Машинадан тушиб икки қадам юришим билан кутилмаган ҳол юз берди. Дунёнинг нариги бурчагидан келган аёлнинг она тилимизда назоқат ила саломлашувидан сезилар-сезилмас энтикиб кетдим. Уйга кириб суюнчили хабарни айтмай десам хоти-

ним аллақачон янги қўшни билан танишиб олиб хурсанд бўлиб ўтирган экан.

Икки кун ўтгач, ишхонада телефонга чақиринди. Туманга боғланадиган телефон бошқа хонада бўлганлиги учун “Тинчликмикин?” деб ўйлаб ҳаллослаб чиқсам, гўшакдан хотинимнинг овози эшитилди:

— Алло, даласи... Ану янги қўшнилариимиз сизни қаерда, деб сўрашайпти. Ҳеч тушунтираолмайман... “Дежурство”ни ўзбекчасига нима дейди?.. “Навбатчилик” Ҳа, бўлди. Хайр.

Орадан ҳеч қанча ўтмай талаффуздаги жиндай се-

— Анави янги қўшнилариимиз-да. Ўзларигаам, болаларигаам аллақачон ўзбекча исм қўйиб олишган. Эри сиз билан маслаҳатлашмоқчи. Детсаддан келаётган повортта турган экан.

зилар-сезилмас ғализликни демаса, соф ўзбек тилида гапирадиган назоқатли, хушсухан амриқолик аёлни қишлоғимизда деярли ҳамма танийдиган бўп кетди. Эри бўлса маҳалланинг тўйидан ҳам, маросимда офтоба билан чиллоқинни олиб оқсоқолларнинг қўлига сув қўйиб қолса бўладими...

— Баракалла, ўғлим, — деди оқсоқоллардан бири ҳайрон бўлиброқ қараб. — Танимайроқ турибман, сен қайси маҳалладансан, болам?

— Чикагодан.

— А-а?.. Бизда унақа маҳалла йўқ эди-ю.

Ана шунда янги қўшним келишининг сабаби-ю, дастлабки таассуротларини ўзбекча лутф билан баён қилиб оқсоқолларнинг ҳам дуосини олди.

Уч-тўрт кундан кейин хотиним яна бир гап топди.

— Тўтихонлар маҳаллага ош бермоқчи эмиш.

— Тўтихоннинг ким?

— Анави янги қўшнилариимиз-да. Ўзларигаам, болаларигаам аллақачон ўзбекча исм қўйиб олишган. Эри сиз билан маслаҳатлашмоқчи. Детсаддан келаётган повортта турган экан.

— Кимларни таклиф қилганимиз маъқул?— деди кечки пайт бизникига кириб. — Ҳар қалай сиз бу ернинг паст-баландини биласиз...

— Биз одатда ҳув анави перекресткадан банянинг олдиғача айтамыз.

Қўшним ҳеч нарса тушунмади.

— Ҳаммомнинг денг, — эслатди хотиним. Дарров гапимни ўнгладим.

— Чорраҳадан ҳаммомгача.

Шундагина гапимни англаган Маллавоининг юз-кўзидан табассум зоҳир бўлди.

— Учаскавойниям айтиб қўйинг, — дедим.

— Кимвой, — ҳайрон бўлиб сўради у. Яна тилимни тишладим.

— Ҳа, анови нозиримизни айтаман-да.

Бунақа ҳоллар тез-тез такрорланадиган бўп қолди. Ўз

юртида соф ўзбек тилини ихлос билан ўрганган қўшнилариимиз учун четдан кириб қолган сўзлар турчдан чиққан тошдек гашга тегарли таъсир қиларди. Сал ўйлаброқ гаплашмасак, бўлмайдиганга ўхшайди. Ҳар гал гапимни анилатишга қийналган

нимда ҳижолатдан тер босади. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда бундай қоришиқ сўзлар билан гаплашишга қўниқиб кетганимизни вақт ўтиши билан тушуниб ҳам қолишди. Лекин жилмайиб туриб беозоргина танбех бериб гапимни тузатиб қўйганларида ичдан зил кетаман. Рус мактабидан ўқиган, кўп қаватли

уйда ўсган хотинимни-ку асти қўйверасиз.

— Қанақа одамлар ўзи, а? “Обед” десанг тушунмаса. “Домкультура”ни билмаса. “Оптом”и нимаси, деганига ўлайми?.. Нақ давлиям кўтарилиб кетди-да!

— Қўй, қизишма, аяси. Ахир, айб ўзимизда-ку. Мен ҳам аввалига шу келгиндилардан танбех эшитаманми, деб гашим келди. Аммо сал ўзимни босиб ўйлаб кўрсам, улар икки юз процент... э, йўғ-э, фоиз ҳақ экан. Тилимизга бўлган ҳурмати боис уларга ихлосим бе-ниҳоя ортиб кетди.

— Тўғри айтасиз, дейди хотиним сал ҳовуридан тушиб. — Баҳонада унча-мунча нарсани ўрганиб ҳам олаётиман. “Сковородка”нинг ўзбекчаси “това” эканлиги тушумга ҳам кирмаган эди. “Соска”нинг сўғрич, “билет”нинг чипта эканлигиниям энди билдим. Бир жиҳатдан шу қўшнилариимизни келганим ахши бўлди, деб ўйлаб қоляпман, дадаси.

— Нимасини айтасан, аяси, — дейман мен ҳам кулиб. — Амриқолик қўшнилариимиз биздан урф-одатларимизни, биз иккаламиз эса, улардан тилимизни ўрганаётимиз...

Ҳабиб СИДДИҚ

Биласизми?

Йўтални даволаш

Анжирни сутда қайнатиб ичган киши йўтал тутишидан тез-да халос бўлади.

Овози бўғилиб қолган одам туру сувини ичиб, томоғини гар-гара қилса, дарҳол овози очилади.

Кийик ўтини сувда қайнатиб ичиб юрилса, йўталдан фориб бўлади.

Сурункали йўтал қийнаётган киши қимиз ичиб юрса, бу дарддан халос бўлади.

Кўксидан балғам кўпайган бемор тез-тез анжир еб турса ундан қутулади.

Бир чой қошиқдаги укроп уруғини бир чойнак сувга дамлаб ичиш балғамнинг енгил қўчишига фойда қилади, сурункали йўтални қолдиради.

Орасига саригеъ ёки думба

қўйиб бугда ё димлаб пиширилган беҳи ёки шолғом куруқ йўтални даволашда энг яхши шифодир.

Йўталдан кўп азият чеккан киши мол ёғи истеъмол қилса дарддан фориб бўлади.

Бир стакан қайноқ сувга бир ош қошиқда қуриб майдаланган баргузуб баргини дамлаб ичиш ҳам йўталнинг давосидир.

Олма ва анжир меваси ёки қоқсидан тайёрланган дамлама ҳам томоқни қамшатади, балғамни кўчириб йўталга даво бўлади.

Янтоқни қайнатиб сувини ичиш ҳам йўталга даводир.

Нонушта пайтида ейилган долчин ёски йўталларни даф қилади.

Маъсуда ЁҚУБОВА
тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 86 сонли умумий ўрта таълим мактаб битирувчиси Нороз Шохмурод Шерзод ўғлига тегишли 0728031 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий

ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Бош муҳаррир

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Рустам Комиллов

Борий Алихоннов

Акмал Саидов

Раҳмат Маматов

Нуриддин Убайдуллаев

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Ақтам Ҳайитов

Адҳам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.

Буюртма рақами Г-1014 Адади: 1052.

Жума кўни чиқади.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Маъсуда Ёқубова

Дизайнер: Беғали Эшонқўлов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.

Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта: jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт.

Ушбу кўни:

Тошпирилган вақти: 20:05

1 2 3 4 5 6



Қурулди кучлар Ҳарбий тиббиёт академияси ташкил этилди.

Кластерлар – имкониятлар калити

Қуйи Чирчиқ туманида бунга амин бўлдик

«Кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз мана шу», деган эди давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида.

Айни пайтда иқтисодиёти-мизнинг кўплаб соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янги шакли — кластер усули тобора оммалашмоқда. Бу йўналишда фаолият юритаётган субъектлар амалиётда қўллаётган янгиликлар, қўлга киритаётган ютуқлар таҳлили кластерлар соҳада туб ўзгаришлар ясаб, уни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишига ишонч уйғотмоқда. Савол туғилиши табиий: аввало, кластернинг афзаллиги нимада? Сўнгги йилларда катта эътибор қаратилаётган қишлоқ хўжалигининг мазкур йўналиши ўзини қай даражада оқла-япти?

Тошкент вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан республика миқёсдаги етакчи ОАВнинг бир гуруҳ журналистлари иштирокида вилоятнинг Қуйи Чирчиқ туманидаги “Tashkent Cotton Textstil cluster” ва унинг таркибидagi “TCT Agro cluster” билан бирга “TCT Rice” шoличилиқ, “TCT Fish” балиқчилик кластерлари фаолияти билан танишиш мақсадида медиа-тур ташкил этилди. Мазкур тадбир орқали юқоридаги савол-

ларнинг барчасига жавоб топдик, десак, асло хато бўлмайди.

Қуйи Чирчиқ туман ҳокими Акмал Ҳолмуродовнинг айтишича, дастлабки пайтда деҳқончиликнинг асосан, пахтачилик ва шoличилик тармоқлари билан шуғулланилган бўлса, жорий йилда 14 минг 300 гектар ерда галла парваришланиб, баракали дон ҳосили олинди. Шу кунларда 10 минг гектардан ортиқ майдонда етиштирилган пахта, 2 минг 573 гектардаги шoли ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бунда 25 та “Кейс” (Case) русумидаги юқори унумли пахта териш машинасидан фойдаланилди. 2019 йилда гектаридан ўртача 35 центнердан пахта етиштирилиб, ялпи ҳосил 30 минг тоннадан ошган. Бу йил эса 10 минг гектарда гўза парваришланиб, биринчи терим якунланмасдан, шартномавий режадаги 34 минг тонна пахта хомашёси йиғиштириб олинди.

Бунга қарангки, туманда фермер хўжаликлари давридаги ишчилар сони 898 нафарни, ўртача иш ҳақи эса 550 000 сўм бўлган бўлса, кейинчалик “TCT Cluster” ташкил этилиб, 5536 та иш ўрни, ўртача

иш ҳақи эса 4 баробарга оширилибди. Биргина шунинг ўзи ҳам кластерлар ҳаётимизда қанчалик муҳим ўринга эга эканини кўрсатиб турибди.

Биринчи манзилимизда гувоҳи бўлганимиз, “TCT Rise” кластери жамоаси жорий йилда 2,5 минг гектардан ортиқ ерда шoлининг “Лазурний”, “Искандар”, “Мустақиллик”, “Тарона” навлари етиштиратгани халқимиз дастурхони тўқислигининг қафолати эка-

Мутасаддиларнинг маълум қилишича, жорий йилдан бошлаб, вилоятдаги пахта хомашёси етиштиришнинг тўлиқ кластер тизимида амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Пахта тўқимачилик кластерлари томонидан 2020-2021 йилларда жами 1 триллион 123 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 4 минг 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

нига ишонч ҳосил қилдик.

— Бу йилги шoли ҳосили барчамизни қувонтирмоқда, — дейди “TCT Cluster”нинг бош директори Ферузхон Акабиров. — Гектаридан 70 центнердан ҳосил йиғиштириб оляпмиз. Илгари шoли очик усулда сақланган бўлса, бу йилдан эътиборан ҳар бири 1 тонналик махсус қопларга жойланмоқда. Бу эса ҳосилни яхши сақлаш ва юқори сифатли гуруч ишлаб чиқариш имконини беради.

Қуйи Чирчиқ туманидаги “Сурум” МФЙ ҳудудида қиймати 25 миллиард сўмликдан

зиёд лойиҳа “Шoлини қайта ишлаш ва сақлаш мажмуаси” бунёд этилди. Туркиянинг “Yoshar Makina” компаниясидан олиб келинган ускуна ва дастгоҳлар хорижлик мутахассислар томонидан ўрнатиб бўлинди. Соҳа мутахассислари таъкидлашича, мазкур завод мавсум давомиди 25 минг тоннадан 40 минг тоннагача шoлини қуритиш ва қайта ишлаш қувватига эга.

Кластер мамлакатимизга қандай янгилик олиб кирди?

— Аввало, тизимни олиб кирди, — дейди туман ҳокими Акмал Ҳолму-

рининг сайёҳаракати билан бугунги кунда рақамли технологияларнинг сўнгги ютуқларидан ҳисобланган “Сторіо” тизимини жорий қилиш режалаштирилган. У масофадан юриб, экин майдонларининг ҳолатини тезкор ўрганиш, мониторинг қилиш, автоматик ҳужжатлаштириш каби қатор фойдаланишларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги мутаасаддиларининг маълум қилишича, жорий йилдан бошлаб, вилоятдаги пахта хомашёсини етиштириш тўлиқ кластер тизимида амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Пахта тўқимачилик кластерлари томонидан 2020-2021 йилларда

родов. — Деҳқонларимиз, ишчи-хизматчиларимиз, умуман, аграр соҳа вакиллари янги ҳаёт замоний услубда ишлашни ўргатди, десак, хато бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, ҳосилдорлик, даромадни оширди. Тан олишимиз кераки, ҳар бир инсонни, аввало, манфаат бошқаради. Ҳар бир инсон яхши яшашни, фаровон турмуш кечиришни истайди. Бунинг учун, албатта, ўзи ва юрти манфаати йўлида тинмай меҳнат қилади. Кластер бизга мана шу манфаатни кўрсатди.

Кейинги манзилимизда “TCT” машина-трактор паркидаги юқори унумли дуккакли экинлар донини йиғиштириб оладиган агрегат ва ускуналар билан танишдик. Жумладан, АҚШдан “Pickett one Step” русумли 10 та, Украинадан 12 та “ПП-3.4” техникалари фаолияти медиа-тур иштирокчиларининг эътирофига сазовор бўлди.

Кластер таркибиди илғор инновацион ишланмалар, илмий-техникавий янгиликлар, илм-фаннинг сўнгги ютуқларини амалиётга кенг жорий этишни мақсад қилган Илмий агротехник кенгаш фаолият юритади. Соҳа мутасаддила-

жами 1 триллион 123 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 4 минг 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Янгиликлар, қизгин иш жараёнлари, қайнаётган ҳаёт лаҳзаларини кузатиб, одамлар билан суҳбатлашиб, кунимиз қандай ўтганини сезмай қоллигимиз. Автобуста чиққанда сездикки, ҳаммамиз чарчаган, лекин ҳеч кимнинг юзиди чарчоқ аломатлари зоҳир эмас. Ҳамма ўз ҳаёллари билан овера. Шерикларимни кузатиш баробарида мен ҳам ҳаёлларга, ўзимча режаларга берилман: юртимизнинг барча гўшаларида бугун кўрганимиздай шарт-шароитлар яратилмоқда. Энг муҳими, одамлар қилаётган хизмати ва олаётган маошидан мамнун. Яна ўйлайманки, мана шундай юксалишлар самараси чет давлатта иш излаб чиқиб кетаётган тенгдошларимнинг қайтишига, ўзимизда ҳам ишлаб, рўзгорини фаровон қилишига имкон борлигини ҳис этишига замин яратмоқда.

Гулҳаё ҲУСАНОВА,
“Жамият” маҳорат мактаби
тингловчиси

Офатлар оқибатида йўқолган ҳужжатни тиклашда тўлов ундирилмайди.

ҚИСКА
САТЛАРДА
ЎҚИНИ!